

Elim deb, yurtim deb уониб yashash kerak!


Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 13-dekabr, shanba
№ 100 (15842)



Келажакка ишонч

Эртанги кунга ишонч! Бугун ўзбекистонлик ҳар бир йигит-қиз — ўқувчи, талаба, ёш мутахассис нигоҳида уни кўрасиз Ўртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик замирида ўғил-қизларнинг яхши таълим-тарбия олиб, баркамол инсонлар бўлиб улғайишлариға қаратилган эзгу мақсад мушкассамидир. Республика Маънавият тарғибот маркази, Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига профилактик рўйхатда турадиган болалар иштирокида юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган «Биз келажакка ишонамиз!» номли республика форуми ҳам ана шу олижаноб ва эзгу мақсадга хизмат қилид.

(Давоми 3-саҳифада)



«ОБУНА — 2015»
Ўзбекистон
ёшлиарининг
боси нашри —
«Turkiston»
2015 йилда
ҳам сизнинг
маслакдошиниңз,
ҳанроҳиниз
бўлади.
ОБУНА
ИНДЕКСИ:
203
«TURKISTON»ГА
ОБУНА БЎЛИНГ!

«Kamolot» loyihalari 150 нафар спортчи ғолиблук учун курашмоқда

Кеча пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида пенчак силат бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси старт олди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан етти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 150 нафар ўғил-қиз катнашмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш республика маркази, Ўзбекистон пенчак силат федерацияси ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур му-

собақа тандинг (жанг), тунгал (якка тартибда машқ намойиши), секапасонг (кўргазмали чиқиш) йўналишларида бўлиб ўтмоқда. Мусобақа иштирокчилари бешта ёш ва 58 вазн тоифаларида беллашмоқда.



(Давоми 6-саҳифада)

Davlat mukofoti sohiblari

КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ БАХТИ

Атоқли олим — фан арбоби Азиз Қаюмов бутун умрини адабиётшуносликка, хусусан, Алишер Навоий ижодини ўрганишга бахш этганини яхши биламиз. Илм йўлида қилган хизматлари эвазига академик унвонига сазовор бўлди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Бу хушхабарни эшишиб, аллома шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги сўзлар ёдимга тушди: «Ё Раб, менинг бу ёзганларимни ҳар ким ўқиб англаса, ўқиганларини андиша билан ўйлаб, менинг муддаоларимни тасаввур этса, мақсади айб излаш бўлмаса, шундай кишиларга бутун фаннинг эши-



гини очиб бергин...» Бу айнан ҳикоямиз қаҳрамони Азизхон домла сингари фан фидойилари учун башратнамо сатрлар эканини тасаввур қиласан, киши...

(Давоми 5-саҳифада)

Men saylovga tayyorma

САЙЛАШ ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга ҳам оз фурсат қолди. Унда миллионлаб тенгдошлари-

миз иштирок этади. Эътиборлиси, кўпчилигининг ҳаётида бу сайлов биринчисидир.

Мухбиrimiz ilk бор ма-на шундай улкан сиёсий воқеа иштирокчisi бўлишга тайёрланаётган ёшлар

билин сухбатлашди. Хўш, улар сайловга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Сайловнинг ўз ҳаёти ва келажагидаги ўрнини қай даражада баҳоламоқда?

(Давоми 4-саҳифада)



ЎЗ КАСБИНинг МОХИР ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Касаба ўшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган “Ўз касбининг мохир эгалари” тадбирининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият, санъат, илм-фан намояндалари, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган замондошларимиз, фаол ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба ўшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоеva ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий манфаатларни жараёнида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларни таъминлаш, ҳар бир инсон ўзи танлаган соҳада салоҳиятини тўла нағоён этиши учун қулаш шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Софлом бола иили” давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба ўшмалари федерацияси кенгаши ва унинг жойлардаги тузилмалари жамиятимизнинг

барча тармоқларида фаол меҳнат қилаётган турли соҳа ходимларини муносаби рафбатлантириш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга ошироқмода. Ҳар иккى йилда бир марта ўтказилаётган “Ўз касбининг мохир эгалари” лойиҳаси бунга мисолдир. Ушбу тадбирда жорий йил таълим, фан, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, жамоат хизмати, алоқа, авиация, темирйўл, транспорт, йўл қурилиши, агросаноат, истеъмол таварлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, нефтгаз, геология, энергетика, кимё, кон-металлургия, машинасозлик каби тармоқларда кўп йиллардан бўён самарали фаолият юритиб, ўз соҳасида малака ва катта тажриба ортирган етти мингга

**Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбери**

яқин турли касб эгалари иштирок этди. Уларнинг қирк беш нафари финал босқичи совриндори бўлди ва ташкилотчilar томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совбалар билан тақдирланди.

– Эллик йилдан бўён пахта саноати соҳасида меҳнат килмокдаман, – дейди совриндорлардан бири, “Ўзпахтасаноат” ўшмасига қарашли “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамиятининг стандартлаштириш ва метрология бўлими мудири Ақмал Аҳмедов. – Мутахассисларимиз томонидан 2010-2014 йиллар давомида пахта ва пахта маҳсулотларини стандартлаштириш, текшириш усувларини ва пахта толасининг физик-механик хоссалари давлат стандарти намуналарини ишлаб чиқишига йўналтирилган илмий ишланмалар бажарилди, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Соҳа ривожи, юрт таракқиётiga йўналтирилган бундай ишларимиз давлатимиз томонидан муносаби қадрланаётгани кучимизга-куч, файратимизга файрат кўшмоқда.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикаси ва қонунчилик тарғиботи” мавзуида тадбир ташкил этилди.

Маълумки, юртимизда ёш авлодни ҳар қандай хуружлардан, ташки таъсирлардан асрash йўлида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Республика Ички ишлар вазирлиги Хукуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан таълим муассасаларида давра сұхбатлари ташкил этилмоқда. Мазкур анжуман ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда Ички ишлар вазирлиги академиясининг олий академик курслари тингловчилари, катта илмий ходимлар, XOOBB вакиллари ҳамда университет ўқитувчи ва талabalari иштирок этди.

**Наргиза АСАДОВА,
“Туркистон-пресс” мухбери**

Учрашувда вояга етмаганлар назоратсизлигининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар ўртасида турли хукуқбузарликларнинг содир бўлиш сабаблари, гиёхвандлик, одам савдоси каби ноҳуш ҳолатларга нисбатан огоҳлик каби муҳим вазифалар юзасидан маърузалар қилинди. .

Маърузалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва савол-жавоблардан сўнг гиёхвандлик оқибатлари акс этган фильм намойиш этилди.

Ёшлар учун замонавий спорт мажмуаси

Қораўзак туманида янги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда ёшларнинг футбол, волейбол, баскетбол, оғир атлетика, теннис, таэквон-до, бадийи гимнастика билан шуғуланиши учун куляй шароит яратилган. 960 ўринли футбол майдони, қишига ва ёзги сузиш ҳавзалари мавжуд.

Янги обьектнинг очилиш маросимида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, Қорақалпостон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

си вакиллари, спорт фахрийлари, ўқувчилар иштирок этди.

Тадбир якунидан футбол, баскетбол, волейбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари тайёрлаган бадийи дастур йиғилганларга кўтаринки кайфиёт бағишилади.

**Зарафшон УМАРОВА,
Қорақалпок давлат университети талабаси**



«Камолот» лойиҳалари

Урганч ҳалқаро аэропорти, темир йўл вокзали ҳамда шаҳар дехқон бозорларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Биз, ёшлар одам савдосига қаршимиз!» шиори остида акция ўтказилди.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ АКЦИЯ

Унда Ҳаракат фаоллари фуқароларга одам савдосининг бугунги ҳолати ва аянчли оқибатлари ҳақида тушунча берди. Бозорларда эса тегишли маълумотлар радио орқали эшиттирилди.

Дунёда ҳар йили тўрт миллион киши одам савдосидан жабр кўрмоқ-

да. 21 миллион киши мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Одам савдоси қурбонларининг 80 фоизини аёллар ва вояга етмаганлар ташкил қилади.

Акция давомида урганчликларга мавзуга оид буклет ва флаерлар тарқатилди.

Шахло САФАШЕВА

ТАРГИБОТ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қарши туманидаги санъат коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳукуқий кафолати» мавзуидаги тарғибот ойлиги ҳамда давлатимиз мадхияси қабул қилинганинг 22 йиллиги муносабати билан «Мадхиямиз – фахримиз» мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Тадбир «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, маданият ва спорт ишлари, адлия бошқармалари ҳамкорлигига ташкил этилди.

Унда тарғиботчи ёшлар Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, яратилиш тарихи, бошқа давлатлар асосий қонунларидан фарқи, ўзига хосликлари, унга киритилаётган кўшимча ва ўзгартишлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси давлат мадхияси тўғрисида»ги қонун юзасидан ўқувчиларга тушунча берди.

Давра сұхбати давомида мутахассислар ёшларни демократик тамойиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънан етук ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида кўмаклашиш, ёш авлоднинг дунёкараши ва фикрлаш даражасини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик ва давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида фикр-мулоҳазаларини билдириди.

Феруза ТЎРАЕВА

Чет тилларни ўрганиш — давр талаби

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Чет тилини ўқитишниң долзарб масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, талаба ва журналистлар қатнашиди.

Тадбирни очиб берган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ривожлантириш республика илмий-амалий маркази директори М.Ирискулов мамлакатимизда хорижий тилларнинг аҳамияти ва уларни пухта ўргатиш борасида университет томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритди. Университет қошидаги Чет

тилларни ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази директори М.Ирискулов мамлакатимизда хорижий тилларнинг аҳамияти ва уларни пухта ўргатиш борасида университет томонидан амалга оширилаётган ишлар тайёрланётганини таъкидлади. Тадбир давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-

ти университет бошлангич ташкилоти тайёрлаган «We learn foreign languages together!» видеоролиги намойиш этилди.

Семинарда университет талабалари инглиз, хитой, корейс, араб ва бошқа тилларда ёзган илмий мақолаларнинг тақдимотини ўтказди. Иштирокчиларнинг чиқишилари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Тадбирда инглиз, немис, француз, испан тиллари бўйича янги дарслик ва ўқув кўлланмалари тақдимоти ҳам ташкил этилди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбери**

Келажакка ишонч

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

ТОШКЕНТ

«Биз келажакка ишонамиз!» шиори остидаги республика форуми пойтахтимизда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда пойтахт ва Тошкент вилоятидаги мактаб ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими музассасалари ўкувчилари, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар, педагог ва психологлар, санъаткорлар қатнашди.

Форумнинг асосий тадбирлари Маърифат марказида ташкил этилди. Тадбирнинг очилиш маросимида Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари сўз олди. Таъкидланганидек, форум юртимизда ёшлар тарбияси ва ижтимоий фаоллиги йўлида олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, вояга етмаганлар орасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёт ва бузгунчи фоялардан огоҳ этиш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва истиқлол фояларига садоқат туйғуларини сингдиришга хизмат қиласди.

Форум иштирокчилари мухташам Маърифат маркази мажмуаси таркибидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини кўздан кечирдилар. Замонавий зиё масканида китобхонлар учун яратилган қулай шароитлар ёшларни ҳайратга солди.

Маърифат маркази билан танишувдан унтилмас таассуротга эга бўлган ёшлар форум дастуридаги асосий тадбирларрга қунт ва иштиёқ билан киришдилар. Улар учун жиноятчиликнинг олдини олиш, кашандалик ва ичкиликбозлик каби иллатлар, нотиқлик, нутқ маданияти, табиат муҳофазаси, соғлом турмуш тарзи, рассомлик маҳоратига доир психологик тренинглар, семинар машгулотлари ўтказилди. Шунингдек, ёшлар таникли спортчилар, актёр ва хонандалар билан учрашдилар.

Форум якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.



СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, ҳалқ таълими бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаси ҳамкорлигига ташкил этилган «Биз келажакка ишонамиз!» форумида профилактик рўйхатда турадиган ёшлар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчилари қатнашди

Форумнинг очилишида Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имконият ва шароитлар яратиб бериладигани, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол фояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Ушбу форум ёшларнинг маънавияти, ижтимоий фаоллигини ошириш, қалбидаги фаҳр-ифтихор, миллий қадриятларимизга хурмат, юрт тақдирига даҳлдорлик туйғуларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Маънавият тарғибот марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Муҳаммаджон Азимов. — Тадбирда профилактик ҳисобда турадиган ўкувчилар ҳам қатнашди. Бу уларнинг ҳаётида ўзига хос воқеадир.

Халқимиз болажон, шу боис ҳам боланинг бегонаси бўлмайди, дейишади. Форум халқимизга хос бағрикенглиқ, меҳрибонлик, инсонпарварлик фазилатлари асосида ташкил этилди. Унда илмфан, санъат ва спорт соҳаларида ютуқларга эришган йигит-қизлар билан профилактик ҳисобда турадиган ёшлар биргалиқда иштирок этгани ҳам айни муддао бўлди. Улар дўйстона фикр алмашдилар. Форум баҳонасида бу ёшлар иқтидорли тенгдошларига ҳавас қилиб, ўзлари ҳам улардек бўлишга интилишяпти.

— Бу ерда кўплаб тенгдошларим, ақапаларим билан танишиб, сухбатда бўлдим, уларнинг ютуқлари билан танишдим, — дейди Термиз шахридаги 13-мактаб ўкувчиси Муҳайё Холтўраева. — Дарсдан бўш вақтимда шахмат, стол тениси билан шуғулланаман, инглиз тилини ўрганялман. Лекин ҳали катта ютуқларга эришганим йўқ. Шу боис янада кўпроқ ўқишини, спорт билан мунтазам шуғуланишни олдимга қатъий мақсад қилиб қўйдим. Зоро, биз, ёш авлоднинг баҳти келажагимиз учун юртимизда барча шароитлар муҳайё этилган. Бундан унумли фойдаланиш бурчимиздир.

Тадбир давомида ёшлар Термиз шахрининг дикқатга сазовор жойларини томоша қилиб, археология музейи ҳамда ҳайвонот бοғида бўлди.



АНДИЖОН

Профилактик рўйхатда турадиган ёшлар орасида хукуқбузарлик, жиноятчилик, хусусан, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган «Биз келажакка ишонамиз!» шиори остидаги форум андижонлик ёшларга ҳам унтилмас лахзаларни ҳадя этди. Республика Маъ-

навият тарғибот маркази ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлимлари, «Камолот» ЙИХ вилоят кенгаси, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорлиқда ташкил этилган ушбу тадбирда Андижон шахридаги Болалар шаҳарчаси тарбия-

ланувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўкувчилари иштирок этди.

Форумда ўкувчи-ёшларга бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм суроётган тинчлик, осойишталик энг олий неъмат экани, биз, ёшлар фақат ўқиб-ўрганиб, келажакка улкан мақсад ва ишонч билан қарашимиз лозимлиги тушунтирилди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчиларига «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган «Гумроҳлар» фильмни намойиш этилди. Форум доирасида иштирокчилар Андижон шахридаги ўлкашунослик музейи ҳамда шаҳарнинг бошқа дикқатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

БУХОРО

Бухоро вилоятида ўтказилган форумда ҳам кўплаб ёшлар иштирок этди.

Форум аввалида таникли спорчилар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари совриндорлари билан учрашувлар ташкил этилди. «Ёшлар тарбиясининг педагогик асослари», «Ёшлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг психолого-жихатлари», «Вояга етмаганлар орасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш», «Она табиатни асрайларик», «Соф танда — соғлом ақл» мавзуларида баҳс-мунозаралар олиб борилди.

Тадбирлар якунида фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди.



Саҳифа материyllарини Наргиза Умарова, Наргиза Раҳматуллаева, Рустам Юсупов, Лайло Хайитова, Миролим Исажонов тайёрлади

СИРДАРЁ

«Биз келажакка ишонамиз!» ёшлар форуми Гулистон шахридаги Маданият ва маърифат марказида ҳам ўтказилди.

Тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоят ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Камолот» ЙИХ вилоят кенгаси, ҳалқ таълими, маданияти ва спорт ишлари, ички ишлар бошқармалари, вилоят телерадиокомпанияси, Гулистон давлат университети ҳамкорлигига ташкил этилди.

Форумда фаол тенгдошларимиз, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, танловлар голиблари, Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари, «Камолот»чи ва иқтидорли ёшлар қатнашди.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Олий таълим тизимида илмий тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзууда республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Олий таълим ва илмий-ижодий фаолият

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамкорлигига ташкил этилган анжуманда Вазирлар Махкамаси хузыридан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси, Интеллектуал мулк агентлиги вакиллари, Самарқанд, Фарғона, Гулистан давлат университетлари, Жizzах давлат педагогика институти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Қорақалпок давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлар иштирок этди.

— Мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий бўғинларидан бири саноатдир, — дейди Тошкент давлат техника университети илмий ишлар бўйича проректори Карима Норқулова. — Бугунги анжуман фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини амалга ошириш, илм-фан соҳаларининг барча жабхаларида ёш



олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган. Шунингдек, илмий-тадқиқотлар орқали юқори натижага эришиш, уларни таълим ва ишлаб чиқарish жараёнига татбиқ қилиш, кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Илмий анжуманда табиий фанлар ва техника йўналишларида илмий-тадқиқотлар тизимининг ҳолати, самарадорликни оширишнинг долзарб муаммолари, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни кенгайтириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш,

Ўзбекистон миллий стратегиясини амалга ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанлар аҳамиятини ошириш каби мавзуларда ялпи ва шўъба мажлислар бўлиб ўтди. Уларда юздан ортиқ олим ва мутахассислар мъаруза қилди.

— Ечими топилиши зарур бўлган асосий масалалардан бири фан докторларини тайёрлашдир. Айни пайтда уларнинг ўртача ёши кексайиб боряпти, бу тенденция дунё миқёсида ҳам кузатилмоқда. Унинг олдини олиш учун ёшларни илмий фаолиятга кенгроқ жалб этмоғимиз шарт. Ёш истеъоддли олимлар ҳисобига илмий салоҳиятни муттасил ошириб бориш зарур, — дейди техника фанлари доктори, профессор Камолхон Каримов.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси тизимида ҳамда тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг фаолияти билан узвий боғлиқ. Хозирда олимларимиз миллий ва халқаро грантлар асосида фаннинг кўплаб истиқболли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Назокат
ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири**



Saylov — 2014

САЙЛАШ ҲАМ МАСЬУЛИЯТ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

**Жавоҳир Исройлов,
Тошкент архитектура ва
қурилиш институти талабаси:**

— Шу пайтгача сайлов ҳақида умумий тушунчага эга эдим. Сайлаш ҳукукига эга бўладиган ёшга етганимда унинг нақадар масъулиятли эканини хис қиляпман. Мен сайловда шунчаки иштирокчи эмас, мустақил шахс ва ўз фикрига эга фуқаро сифатида қатнашаман. Ўтган галги сайловда отам билан бирга бориб, номзодларга овоз бериш жараёнини кузатган эдим. Мана, бугун мен ҳам ўз овозимга эгаман.

Бу йили биринчи марта сайловда иштирок этаман. Сайлов ҳам қувончли, ҳам хаяжонли воқеа.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим. Бу борада институтимизда ташкил этилган «Ёш сайловчи» бурчаги яқин маслаҳатчимга айланди.

Қандай номзодга овоз бераман? Буни очиқ айтишим мумкин. Мен бунёдкорлик соҳасига катта эътибор берадиган, аввалги депутатлар фаолиятини кузатиб, улардан ижобий жиҳатларни олиб, камчиликларини тўлдиришни мақсад қилган номзодга овоз бераман.

**Дилшода Раҳимова,
Термиз давлат университети
талабаси:**

— Сайловга ҳар бир фуқаро катта масъулият билан ёндашиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки бизнинг эртаниги кунимиз бугун биз сайлаётган инсонларнинг хатти-харакатларига боғлиқдир. Илк марта сайлаш ҳукуқидан фойдаланаман. Бу мен учун шунчаки эсда қоларли воқеа эмас. Менинг келажагим, орзу-истакларим билан боғлиқ воқеликдир. Халқимизнинг эртаниги ҳаётӣ, фаровон турмуши учун овоз бераман. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча йигит-қызларга мурожаат қилиб айтаман: сайловда қатнашиб, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ўз олдига катта мақсадлар кўйган номзодларга овоз берайлик.



**Юлдуз Вафоева,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти талабаси:**

— Баш қомусимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат ҳокимияти вакилларинига сайлаш ва сайданиши ҳукукига эга. Сайловда иштирок этиб, муносаб номзодга овоз бериш мамлакатимизнинг вояга етган ҳар бир фуқароси бурчидир.

Сайловда тенгдошларим қатори ўзим танлаган номзодга овоз бераман. Биз ёшлар, албатта, бу сиёсий тадбирда фаол қатнашишиб, ўзимиз танлаган номзодга холис овоз беришимиш керак. Шундай экан, сайлов қонунчилигини яхши билишимиз, сайловолди ташвицларни мунтазам кузатиб боришимиш керак.

**Маман Бекниёзов,
Қорақалпок давлат
университети талабаси:**

— Мамлакатимизда сайлов тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиб борилмоқда. Бу йилги сайлов биз, ёшларнинг олдимизга муҳим вазифалар кўймоқда. Юртимизда ташаббускор ва тадбиркор ёшларнинг сони кўпайяпти. Тенгдошлариминг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун давлатимизда барча шароитлар яратилган. Бизнинг овозимиз мамлакатимизнинг янада ривожланиши йўлида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ҳар бир фуқаро мамлакатимиз ривожига ўзининг эзгу фикр ва гоялари, амалий ишлари билан кўмак берадиган номзодга ўз овозини бериши лозим. Бунда бизга депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини яхши ўрганиб чиққанимиз кўл келади.

САЙЛОВ ОКРУГИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳридаги 126-Темирийлчилар сайлов округига кирадиган, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказадиган участка сайлов комиссияси аъзолари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Сайлов қонунчилигига кўра, улар участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловчиларни ушбу рўйхат билан таништириш, унда йул қўйилган ҳатолар ва ноаниклилар тўғрисидаги аризаларни қабул қилиб, кўриб чиқиш ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш, аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи ҳақида хабардор этиш, сайлов участкасида берилган овозларни хисоблаш ваколатига эга.

— Сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида участка сайлов комиссияларига катта масъулият юкланди, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улубек Абдусаломов. — Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча сайлов участкалари зарур техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланган ҳамда аҳолига қулий бўлган биноларда жойлашган. Улар тегишли даврий матбуот ва сайлов қонунчилигига оид ҳукуқий адабиётлар билан таъмин-

ланган. Сайлов участкаларида фуқароларимизга ўз сайлов ҳукуқларини амалга оширишлари учун барча шароитлар яратилган.

Семинар-тренинг давомида сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиши ва қўшимчалар, участка сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини қонун хужжатларига катый амал қилган ҳолда очиқ, ошкора ва холислик мезонлари асосида ташкил этиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Эслатиг ўтиш керакки, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ва колатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкалари Марказий сайлов комиссиясининг қарорига кўра, айнан Тошкент шаҳридаги 126-Темирийлчилар сайлов округига биритирилган.

**Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири**

КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ БАХТИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Муборак ёшли, фикрлари теран, дилтортар олим билан сұхбатлашиш марокли. Гүё Навоий ҳақида ўйлаб юрган саволларга жавоб топгандай бўлади киши, шундай донишманд миллатдоши борлигидан фарҳ ҳиссини тұяди. Бу сұхбатни энди бир умр унтолмасам керак деган тұхтамга келади. Ул зот сизга мана Навоийни ҳақиқий ўрганадиган давр келди, бунинг учун ҳамма имкониятларни мустақиллик берди, унинг ниятларини амалга ошириб маданиятимизни ер юзига кўз-кўз қилайлик деяётганга ўхшайди. Бунинг учун шеърият сultonининг асарларини құнт билан ўрганиш керак...

Домла Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидаги, «...неки мен дедим муhabbatdan эди...», деган сатрларни алохуда ургу бериб айтади. Бутун хаётининг мазмунини инсонга бўлган муhabbatda деб билган, қўлидан келганча бева-бечора, етим-есирларга ёрдам қўлини чўзган, пировардида бойлигини эл манфаати йўлида сарфлаган шоирнинг муhabbatи юксак эди. Бу муhabbat ҳирсу ҳавасдан йироқ, покиза, қалб гўзаллигининг олий намунасиdir. Мана шу муhabbatga содиқ инсон ҳаётда баҳт топади, фан эшикларини очади...

— Навоий яратган асарлар энг мўътабар ва азиз адабий хазинаки, унинг қадру қўимати асрлар ўтса-да, заррача камайгани йўқ, аксинча, тобора ошиб бормоқда. Табиат муҳофазаси борасида ҳам унинг айтгандарига амал қилсақ, асло кам бўлмаймиз, — дейди Азизхон домла. — Чумолига ҳам озор берма деб танбеҳ беради шоир, шунингдек, ка-бутар болаларини учирма қилгунча чодирингни бузмай турдэя сабоқ беради. Бу табиатга чинакам муҳабbat әмасми? Навоий ўз асарларида табиатга доир муаммоларни бартараф этиш лозимлигини уқтиради. Ҳазратнинг ҳар бир асарида табиатга нисбатан жуда катта ҳурмат, шоирона эҳтиром мавжланиб туради. Агар биз табиатни Навоий севганичалик севсак, комиллик йўли-

Олимнинг ижодий фаолияти юксак эътироф этилган. Илм-фар ривожига қўшган ҳиссаси учун «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

да залворли қадам ташлаган бўламиз. Инсон борлиқни, табиатни қанчалар эъзозласа, ўзининг гўзлалигини, буюклигини кўргандай бўлади.

Домла Навоий ҳақида сўзлар экан, жон қулғингиз билан тинглайсиз, қалбиниз

ҳислар оғушида қолади. Саволлар қуолиб кела бошлайди. Ҳаяжонингизни зўрга беркитасиз. У ўзи билан тингловчи ўртасидаги парданни кўтариб ташлайди. У сұхбатдошига ўзини билимдон қилиб кўрсатмайди, саволингизга муҳтасар ва жонли мисоллар билан жавоб беради.

Алишер Навоий дунёвий по-киза ишқни ҳамма нарса-дан устун кўяди. Фарҳодар-ман қизи Ши-ринни севади. Шайх Санъон ҳам тарсо қизига ошиқ бўлади. Демак ҳирсу ҳавасга бўйин эгмаган туйғулар ўз со-ҳибини юксакликка олиб чи-қади. Шу ўринида «Ҳамса»нинг биринчи китоби «Ҳайратул-аббор»даги ҳикоят дикқатни тортади. Унда шах-зода Нўширавон ёрини кучмоқчи бўлганида, ҳаё боғида ўсиб турган наргисдан уялганини таърифлайди. Ана ўша ҳаё уни жаҳонирлиқ, улуғ инсонлик ма-қомига кўтарди, деяхулоса қила-ди ҳазрат Навоий.

Азизхон домла босиб ўтган шонли йўлига назар ташлар экан, бугунги замонга муносиб фарзанд бўлишини қайта-қайта уқтиради. Жаҳондаги ҳеч бир мамлакатда адабий меросни ўрганишга биздаги-



Азизхон Қаюмов
1926 йилда Қўқон шаҳрида туғилган.
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.
«Алишер Навоий»,
«Фарҳод ва Ширин» сирлари, «Нодир сахифалар» сингари ўнлаб асарлар, юзлаб илмий мақолалар муаллифи.

дай эътибор бе-рилмаётганини тақрор таъкидлайди. Чиндан ҳам, жажжи болажонларнинг ойнаи жаҳон орқали бурро сўзлаётгани кишини кувонтиради. Навоий асарларида бу факат

шоҳ Исқандарга насиб этган эди. Ҳозир ҳар бир хонадонда телевизор, компьютер, DVD плейер бор. Улардан ўз ўрнида, меъёрида, самарали фойдаланиладиган оиласарларда камол топаётганд болаларнинг дунёкараши ўсмоқда. Замонавий техник ускуналар, ахборот технологиялари ёрдамида фан сирларини ўрганмоқдалар.

Дунёдаги бир неча давлат пойтхатларида Навоийга ҳайкал ўрнатилганида катта маъно бор. Мустақилликка Навоийга бағишланган анжуманлар онда-сонда ўтарди. Ҳозир у зотнинг

таваллуд куни байрамга айланаб кетди. Унинг номи билан аталган боғ-рөглар кўп. Жамиятимиз тараққиётига халал берадиган иллатларни йўқотишида Навоий меросидан фойдаланимод. Унинг беназир муҳаббати қалбларга эзгу ҳислар сомоқда.

Ҳар гал устоз Азиз Қаюмов сұхбатидан кейин, қалбимни ўзгача бир ҳаяжон, улуғ шоир ижодига чукур эҳтиром ҳисси чулғайди. Ваҳоланки, устоз умри давомида неча минглаб ўшларга ана шундай олижаноб хислат — Навоийни севиши, асарлари мағзини чакиши ҳиссини сингдирғанлар. Эл-юрт ардоғида, шогирдлар даврасида кексалик гаштини сураттаган Азизхон Қаюмовнинг хонадонидан чиқиша асносида ҳамиша бор бўлинг, устоз, зиё тарқатишдан асло толманг, деган ёруғ ният кўнглимдан кечди.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,
журналист**

Kelajakka qadam

Юрт келажказини фарзандларимиз тимсолида қўрамиз!

«Дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажralmas қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият куришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафакат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгаририб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча фууруланиб, фахрланиб гапирсак, арзиди, албатта, дея таъкидлаган эди Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан устозларга йўллаган табригидা.

Мамлакатимизда таълим тизими-даги чукур ислоҳотлар, хусусан, «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг изчил амалга оширилгани натижасида замон талабларига мос янги умумтаълим мактаблари қад ростлади, минглаб мактаблар таъмирланди. Жорий йилнинг ўзида эса Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига мувоғиқ вилояти-миз бўйича 18та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди, қўшимча бино ҳамда янги спорт заллари қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Яна 10та мактаб тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, 274та мактаб жорий таъмирланби, 267тасининг моддий-техник базаси янгиланди.

Бугун ҳар бир мактабда директор жамғармаси ташкил этилган. Жорий

йилнинг ўтган тўқиз ойи давомида мазкур жамғармалардан 25,1 миллион сўмдан ортиқ маблағ педагог ходимларни рафбатлантиришга сарфланди. 10379 нафар ўқитувчига эса касб маҳорати ҳамда синфдан ташқари ишлари учун устама тўловлар белгиланди.

Кейинги йилларда вилоятдаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатадиган педагог кадрлар орасида янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтадиган ижодкор ўқитувчилар сафи кенгаймоқда. Уларнинг энг намунали деб топилган дарс ишланмалари тарғиб қилинмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда. Умумтаълим мактабларини юксак салоҳиятли педагог кадрлар билан таъминлаш доимий эътиборимизда.

Иқтидорли болалар билан ишлаш, истеъододли ўқувчи ва ўқитувчиларни

рафбатлантиришга алохуда эътибор каратилган. Вилоядада ўш ўқитувчиларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган 19та «Маҳорат мактаби» фаолияти йўлга кўйилгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этгани. Бугун ушбу маҳорат мактабларида «Умумтаълим мактабларида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш самарадорлиги», «Дарс мӯқаддас», «Ўрган — ўргат», «Узлуксиз ва узвий», «Соғлом мухит — соғлом жамоа» каби амалий-методик қўлланмалар татбик этилмоқда.

Бугун фарзандларимиз, ўқувчи ўшларимизнинг турли фан олимпиадалари ва беллашувлари, халқаро кўрик-тандовларда эришаётган ютуқлари тимсолида бундан ўн етти йил аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самараларини кўраётгиз. Хусусан, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли таълим муассасалари ўқувчилари ҳам яратилган шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда нафакат вилоятимиз ёки республикамиз, балки халқаро миқёсда ҳам ўз билим ва иқтидорини намоён қилмоқдалар.

Қоракўл туманидаги 52-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдумалик Абдуқаюмов Москва давлат университетининг

Тошкент шаҳридағи филиалида Ломоносов фестивали доирасида ўтказилган математикадан очиқ олимпиадада иккинчи ўринни эгаллади. Олот туманидаги 31-мактаб ўқувчи-си Даврбек Олтибоев эса Корея Республикасида математика фани бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада юртимиз шарафини муносаби ҳимоя қилиди. Кимё, биология, она тили ва адабиёт, чет тили фанлари бўйича ҳам ўқувчиларимиз ўзларининг юксак салоҳиятларини намоён этилмоқда.

Албатта, соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, таълим-тарбия жараёнини на-мунали ташкил этиш борасида олиб борилган назорат давомида имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ 146 нафар вояга етмаган ўшларнинг ўқиши жалб этилмагани аниқланди. Улардан тўрт нафари Муруватт уйига, 48 нафари маҳсус таълим муассасаларига йўналтирилди. 52 нафари уйда якка тартибда таълим олиш имкониятига эга бўлган бўлса, 42 нафарига умумтаълим мактабларида таҳсил олиш учун тавсия берилди.

**Мирзоҳид ДАМИНОВ,
Бухоро вилояти халқ таълими
бошқармаси бошлиғи**

Nuqtai nazar

Глобаллашув огоҳликка унда́йди

«Биз динсиз яшай оламизми? «Худо йўқ дунё»-да қандай ҳаёт кечиришимиз мумкин?» Илм ва илғор технологиялар билан ҳар қандай «файри-табиий» ҳодисаларга жавоб топамиз, деб ишонаётган Фарб дунёсини бугун шундай саволлар қийнамоқда.

Унча узоқ бўлмаган ўтмишда ҳам христиан черкови монарх ва ҳукуматлар билан сиёсий қудрат борасида рақобатлашиб, улардан кўпинча устун келарди. Глобаллашув ижтимоий ҳаётга кириб келиши билан жамиятдаги кўпгина ижтимоий соҳалар қатори диннинг роли ҳам ўзгарди.

Илмий тафаккур ва технологиялар инсоният мънавиятининг муҳим омили бўлган динниғи ғоявий курашга чақирмоқда. Ўрта асрларда дунё аҳолиси учун оламни диний (мистик) идрок қилиш одатий ҳол эди. Хўш, энди-чи?

Бир пайтлар Англия ва Франция ўртасидаги юз ийлилк уруш қаҳрамони Жанна д'Арк «илоҳ»лар билан сўзлашгани, улар Францияни қандай кутқариб қолиш мумкинлигини айтишгани ҳақида гапиргандан бунга хеч ким шубҳа қилмаган. Аммо бугун кимдир шунга ўхшаш мистик ҳолатлар ҳақида гапирса, бу руҳий носоғломлик белгиси сифатида баҳоланади. Фарб фан-техника инқилобидан ҳовлиқиб, Худони инкор эта бошлаганига қарийб уч аср бўлди. Афуски, Э.Дюргеймнинг «Ижтимоий прогресс ривожлангани сари диннинг таъсири сусая боради» деган ба-

шорати тасдиғи аксарият Фарб мамлакатларида кузатилмоқда. Бу жиҳатлар христиан оламида. Ислом оламида-чи?

Азалдан ислом пайдо бўлган ва эътиқод қилинган Осиё ва Африканинг аксарият мамлакатларида диннинг мавқеи кучли бўлган ва ҳозирда ҳам у ўз мақомида. Бироқ диний фанатизм, диний экстремизм, фундаментализм хуружлари инсонлар онгида аслига ёт қараш ва тасавурларни ҳосил қилмоқда. Бўймаса «жиход» дея бозорларда, аҳоли гавжум худудларда ўзини портлатиб юбораётган «диндор»ларнинг ҳаракатлари қайси диннинг қай мезонига тўғри келади? Энг ёмони, уларнинг аксарияти ислом дини ниқоби остида ҳаракат қилмоқда. Қудратли «кўллар» томонидан уюштирилаётган мазкур ҳаракатлар инсоният кўзи ўнгидаги ислом диннинг моҳиятига, мавкеига путур етказяпти.

Ҳозирги дунёнинг мағкуравий манзарасида Шимолий Африкада жойлашган Миср, Ливия, Сурияниг тақдири ачинарли кўриниш олмоқда. Гўё глобал дунёнинг талаби бўлган «ҳаммабоп демократия»ни ўрнатиш мақсадида Ливия ва Мисрда уюштирилган

талотумлар озмунча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлдими? Ҳалқнинг тарихига, асрий қадриятларига, турмуш тарзига зид бўлган тузумни қандай қилиб зўрлик билан ўрнатиш мумкин, ахир?!

Тадқиқотчи Б.Умаровнинг хуносасига кўра, «глобаллашув жараёни одамзодга ўзаро ахборот алмашув, алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш суръатини кескин кенгайтириш борасида улкан имкониятлар бериш баробарида асрлар давомида етилиб келган муаммоларни ҳам юзага чиқара бошлилади». Чунончи, ҳалқлар томонидан миллий ўзига хосликка таҳдид сифатида эътироф этилаётган маданий ва ахборот экспансиялари миллий ва диний фундаментализм ҳамда экстремизмга, миллий сепаратизм ва терроризм учун замин ҳозирламоқда. Дунёда интеграциявий жараёнларнинг кучигани ҳалқаро наркобизнесга ҳам кенг ўйл очди. Айнан заҳриқотил савдосидан келаётган тушумларнинг асосий кисми диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмни молијаштиришга йўналтириляпти.

Жаҳон мамлакатларининг ўзаро жипслашуви, муштараклашуви ижобий ҳодиса, албатта, аммо унинг салбий жиҳатларидан ҳам кўз юмид бўлмайди. Дин мисолида мулоҳаза қилинса, ижобий томондан турли дин вакилларнинг ўзаро яқинлашувига, уларнинг бир-бiri ҳақидаги билимларининг ортишига, шу

билан бирга, диний бағрикенгликнинг кенг қанот ёзишига ҳамда дўстона алоқаларнинг ўрнатилишига йўл очилмоқда. Бироқ, бошқа томондан, миссионерлик, прозелитизмга кенг имкониятлар әшиги ҳам очилмоқдаки, уларнинг фаолият кўлами кенгайиб, кучайиб бормоқда. Интернет орқали улар ўз тарғиботчилик фаолиятини бемалол амалга оширишлари мумкин эндиликда. Бу фаолият ҳалқларнинг асрлар мобайнида шаклланган қадриятлари, айниқса, диний қадриятларининг топталишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Глобаллашув бу билан чекланмаяти. Ахборот оқими ахборот тўғонига айланниб бораётган бир пайтда, фарблик қайсицир олимнинг ислом дини ҳақидаги сафсалатарию қайсицир диний экстремистик гурухнинг портлаш содир этгани тўғрисидаги хабари зум ўтмаёқ ОАВ орқали ҳар бир мамлакатда турли талқинларда тарқатилади ва бу турли дин вакилларининг бир-бирларига нисбатан муросасиз кайфиятини қувватлашга хизмат қилади. Натижада, яна кураш, яна жанжал ва яна можаро.

Таассуфки, баъзи мамлакатларнинг аччиқ қисмати бошқаларга етарлича сабоқ бўлаётгани йўқ, аксинча, алангани кучайтиряпти, холос. Бундан тўрт аср олдин Френсис Беконнинг «Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади» деган таъкиди бугун янгича мазмун касб этмоқда.

лади. Бу спортчи Наманган туманинг 40-мактабнинг 2-синф ўқувчици.

— Бир йилдан бўён ушбу спорт тури билан шуғулланаман, — дейди Муродилла. — Ҳўжа қишлоғидаги 3-миллиция таянч пунктига қарашли жанг санъати марказида устозим Сардор Эгамбердиев бошчилигига машгулот олиб борамиз. У ерда спортуга қизиқувчи тенгдошларим кўп. Биринчи бор бундай мусобақада қатнашыпман. Ташкилотчилардан миннатдорман. Мусобақа баҳона пойтахти ҳам томоша қиляпман. Янги дўстлар орттиридим.

Мусобақанинг биринчи куни якунига кўра, Тошкент шаҳридан Крилл Богдамов, Бунёд Бўриев, ИброҳимFaфуров, Абдулазиз Қобилбеков, Фарзия Ибрагимова, Юлия Тен, Элёрбек Алиев, Мансур Мирхоликов, Тошкент вилоятидан Лобар Раҳматжонова, Аълонур Авемуродов, Наманган вилоятидан Моҳира Икромжонова, Раъноҳон Низомиддинова, Қашқадарё вилоятидан Арслон Алихонов, бухоролик Аваз Қурбонов ўз ёш тоифалари бўйича жанг, якка тартибдаги машҳ намойиши, кўргазмаличикиш йўналишларида биринчи ўринни эгаллади.

Бугун пенчак силат бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси ниҳоясига етади. Голиб ва фаол иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мұхбири.
Рустам Назарматов олган суратлар.

150 нафар спортчи Фолиблук учун курашмокда



(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)



— Мазкур мусобақа илк бор ўтказилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг бўлум мудири Умид Ражабов. — Мамлакатимизда пенчак силат бўйича ўтказиладиган бошқа турнир ва мусобақаларда иштирок этаётган ёшлар сони ортиб бормоқда. Агар 2013 йилда ташкил этилган

Пенчак силат Индонезиянинг миллий спорти. У яккакураш спорт турига кириб, кўл ва қурол билан жанг қилиш санъатини ўз ичига олади. Ҳалқаро пенчак силат федерацияси 1980 йил 11 марта Индонезиянинг Жакарта шаҳрида асос солинган. Айни пайтда унинг федерациялари олтмишдан зиёд мамлакатда фаолият кўрсатмоқда.



кати томонидан ўтказилаётган «Uzbekistan open», «Ҳалқаро фестиваль», Ўзбекистон чемпионати турнирлари ҳам ёшларнинг спортга, хусусан, пенчак силатга қизиқишини ошириш, уларни жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Мусобақанинг дастлабки кунида иштирокчилар ҳар бир йўналиш бўйича ўз вазн тоифасида майдонга тушди. Муродилла Мирзаҳамедов ўз ёш тоифасида иккинчи ўринни эгаллашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда пенчак силат федерацияси 2009 йил 9 марта асос солинган, барча вилоятларда филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда қирқ нафардан ортиқ мураббий икки мингдан зиёд ўғилқизларга пенчак силат сирларини ўргатмоқда. Қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз терма жамоаси шу спорт тури бўйича кўплаб ҳалқаро турнирларда иштирок этиб, ғалабаларга эриши. Ушбу турнир эса пенчак силатни янада оммалаштиришга, бўлғуси чемпионларни тайёрлашга хизмат қилади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик ходимлари, маданият ва санъат вакиллари, спортчилар иштирок этди.

ЙИЛ САРҲИСОБИ

Тадбирда сўзга чиқсан Маданият ва спорт ишлари вазiri ўринбосари Д.Муллажонов ва бошқалар Президентимиз раҳномалигига ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданият ва санъатимизни, спортни равнақ топтириш, истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида Соғлом бола иилида вазирлик томонидан маданият ва спорт соҳаларида ташабbusлар, амалга оширилган ишлар таҳлилига доир маълумотлар берилди.

Сир эмаски, ҳар йили мамлакатимизнинг барча худудларида кўплаб замонавий маданият ва дам олиш марказлари барпо этиб келинмоқда. Бу йил 24та маданият ва аҳоли дам олиш маскани, 22та маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, жорий йилда вазирлик тизимида Ўзбекистон Бадиий жамоалари иходий бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва ҳалқ ҷолғу оркестрлари бирлашмаси, Фарғона театр-концерт саройи, Ёшлар маданият ва санъат маркази сингари кўпгина янги муассасалар ташкил этилди.

Жорий йилда вазирлик ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан «Ёшлик баҳори» ёш опера ижочилари республика фестивали, «Competizione dell'Opera» ҳалқаро танлови, «Ягонасан, муқаддас Ватан» анъанавий кўрик-танлови, «Созлар навоси» ёш мусиқачилар фестивали сингари ўндан ортиқ фестиваль ва танловлар ўтказилди.

2014 йилда юртимиз спортида унтилимас воқеалар кўп бўлди. Жорий йилнинг ўтган тўқиз ойи мобайнида Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган 177та ҳалқаро мусобақада спортчиларимиз 186 олтин, 200 кумуш, 239 бронза — жами 625ta медални қўлга киритди.

Тадбир сўнгидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига атрофлича жавоб қайтирилди.

**Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» мухбири**

Obod yurtim



Наманган вилояти Норин туманиндағи Катта Ўлмас қишлоғига борганимизда бу ерда қад ростлаган янги иншоотнинг очилиш маросими устидан чиқдиқ. Реконструкция ва қурилиш ишлари ҳисобига кўринишга келган маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилишида Наманган вилояти ҳокимлиги ва Норин тумани ҳокимларни мутасадидлари, кенг жамоатчилик, меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан Юртбошимиз раҳномалигига миллий қадриятларимиз, маданий, ноғодий бойликларимизни асрраб-авайлаб янада ривожлантириш, ёшларни миллий анъаналаримизга эҳтиром, садоқат руҳида тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, маънавиятга алоҳида эътибор қаратиб келинётгани ва пироваридиа бу жабҳада эришилаётган ютуқлар эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июннадаги «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чоратадирилар тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги амалий ишлар санарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжатлардан биридир.

Миллий қадрият ва анъаналаримизни асрраб-авайлаб, уларни ёш авлод орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш, туман аҳолисининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-кувватлаш, уларнинг дам олишини ташкил этиш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг иқтидорини камол топтириш каби эзгу ишларга хизмат

Қишлоқга яна бир замонавий иншоот

Шаҳару қишлоқларимиз гўзал тураржой бинолари, аҳоли дам олиш масканлари, майший ва савдо иншоотлари, спорт мажмуалари, боф-роғлари бахаво хиёбонлари, равон кўчалари билан кўркамдир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёдкорлика алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, деган олижаноб foя ҳам айнан бунёдкорлик ишлари билан муштаракдир. Бугун юртимизнинг қайси худудига борманг, қурилиш ободонлаширишнинг гувоҳи бўласиз.



қиласидаган мазкур марказни барпо этиш учун 362 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ушбу масканда ҳалқ ижодиётини асрраб-авайлаб, ривожлантириш, профессионал ва ҳаваскор бадиий жамоалар, айниқса, ёшларнинг иход қилишлари, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиб, маданий ҳордик чиқариши учун барча зарур шароитлар яратилди. 150 ўринли концерт



зали, миллий созандалик ва хонандалик тўгараклари 42 миллион сўмлиқдан зиёд қийматдаги зарур жиҳозлар билан таъминланди.

— Конституция байрамига муносиб тухфа бўлган ушбу марказ қишлоқнинг етти ярим минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Ҳасанбой Асрiddинов. — Келгусида Норинкапа, Чўжа, Ўзбекистон, Тўда қишлоқларида ҳамда Ҳаққуlobod шаҳарчасида ҳам шундай марказлар барпо этиш кўзда тутилган. Бундай эзгу ишларни кўриб, Президентимизнинг ҳалқимиз фаровонлиги йўлидаги чексиз ғамхўрликларини ҳис қиласиз.

Маросимга ташриф буюрган меҳмонлар марказда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Санъаткорлар, болалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги концерт дастури билан яқунланди.

**Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ,
Наманган давлат универсiteti талабаси.
Муаллиф олган суратлар**



Tashabbus

Ошпазлик ҳам санъат

Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида «Ош чемпионати» бўлиб ўтди.

Термиз тумани ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигига ташкил этилган танловда ўттишетти нафар ёш ошпаз ўз маҳоратини намоноши этди. Мусобақа шартига кўра, иштирокчилар икки килограмм ошни тез тайёрлаш билан бирга, унинг мазаличишига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ошпазлар маҳоратини вилоят ош маркази

уюшмаси, «Ўзбектурисм» миллий компанияси Сурхондарё вилояти бўлими, «Ассон» ресторани ходимлари кузатиб борди.

Мусобақа якунига кўра, Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида биринчи курс ўкувчилари тайёрлаган паловхонтўра энг мазали деб топилди. Қолган иштирокчилар «Хушчакча ошпаз», «Энг яхши ошпаз», «Энг

чаққон ошпаз» каби номинациялар бўйича тақдирланди.

Ош чемпионатида пиширилган ошларни татиб кўрган ҳар бир кишининг оғзида таомнинг таъми узоқ вақтгача қоладиган бўлди. Сабаби қалб қўри, бор маҳоратини ишга солиб тайёрланган ош, ҳамиша тотли ва мазали бўлади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**



Бебаҳо дур

Илм талабида юрган пайтида Имом Бухорий денгиз орқали қаёққадир кетаётган бўлиб, ёнида минг динор пули бор эди. Кемадаги йўловчилардан бири унинг ёнига келиб, иззат-икроми ва ҳурматини билдириб, ўзини якин тутди-да, муҳаддиснинг сұхбатига муҳлис бўлиб қолди. Имом Бухорий ҳам ўзига нисбатан унинг меҳр-муҳаббатию дўйста муносабатини кўргач, илтифот кўрсатиб, самимий мумомала қилди. Анча синашта бўлишгач, Имом Бухорий гап орасида ўзидаги минг динордан уни вokiф этиб қўиди.

Кейинги кун Имом Бухорийнинг бу сұхбатдоши уйқусидан уйғонгач, хўнграб йиғлашга туш-

ди, бақирганча, устидаги кийимларини йиртиб, юз-бошларига урганча, айюҳаннос кўтарди. Одамлар унинг фифонидан ҳайратга тушиб, устма-уст саволга тутди. У эса ўзини жабрдийда кўрсатиб, ҳамёнимда минг динорим бор эди, йўқолиб қолди, деб зорланди. Шунда тафтишчилар кемадаги йўловчиларнинг киссаларини биттама-битта текшира бошлаганда Имом Бухорий ҳамёнидаги бекитиб кўйилган динорларни денгизга улоқтириб юборди. Тафтишчилар Имом Бухорийни ҳам текшириб, ундан ҳеч қандай ҳамён топмадилар. Шундан кейин пул йўқотдим, деб йигланган кимсага танбех бериб, ёлғон гапиргани учун уни тавбасига таътиридилар.

Манзилга етиб келиб, одамлар кемадан тушгач, пул йўқотдим,

деган кимса Имом Бухорийнинг ёнига келиб, минг динорни нима қилганини сўраганида, уни денгизга ташлаб юборганини айтди. У бу гапга ишонмай: «Шунча катта пулни йўқотиши ўзингга нечук раво кўрдинг?» — деб сўради. Имом Бухорий: «Эй жоҳил, мен бутун ҳаётимни Расууллоҳнинг ҳадисларини тўплашга сарф қилганини билмайсанми? Бутун олам ҳалол-тўғрилигимни тан олган, қандай қилиб ўз иззат-нағсимни бир ўғрининг тухматига гирифтор қилмоғим лозим экан? Бутун ҳаётим давомида топганим ишонч ва адолатдин иборат бебаҳо дурни қандайдир динорлар эвазига йўқотмоғим тўғрими?», — деб жавоб қайтарган экан.

(«Қадимдан ҳозиргача...»
китобидан)

Milliy qadriyatlarimiz



Паловнинг таъми инсонларга хуш ёқиб, уларнинг севимли таомига айланиши сири нимада?

Ўйлаймизки, бунинг сири мазали масалликлардагина эмас. Тўғри, гўшт, гуруч, ёғ, сабзи, зирвоворлар ҳар қандай овқатга ажиб таъм бахш этади. Бироқ уларни бир таомга жам қилиб санъат даражасида пишириш учун ошпаз нафақат билимли ва маҳоратли, шу билан бирга очикўнгил, самимий, тийнати пок, фазилатли инсон ҳам бўлмоғи шарт. Шу маннода айта оламизки, ўзбекнинг миллий таоми — палов уни тайёрлайдиган инсонларнинг гўзал табиати, меҳмондўст одати, тинчликсевар ва дўстликларвар фазилати билан ҳам бетакрордир.

Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд,

Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё — умуман, юртимизнинг барча вилоятларида паловни ўзига хос тарзда тайёрлашади. Масалан, пойтахтда паловнинг усти бедана тухуми, қази билан безалади. Фарғонача ош эса майда тўғралиб, гуруч билан аралаштириб дастурхонга тортилиши билан ажralиб турса, сармарқандликлар паловни асосан зифир ва кунжут ёғига тайёрлайдилар. Андижонликлар ошни дармондориларга бой турли зираворлар, саримсоқтиёз, қалампир билан дамлади. Шунингдек, хоразмча палов ҳам ўзига хослиги билан ажralиб туради. Қашқадарёликлар оши сергўшт бўлади...

Гарчи, тайёрланишида жузъий фарқлар бўлса-да, палов

Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида севиб истеъмол қилинувчи таомдир.

Сайёҳлар, юртимизда яшаб, меҳнат қилаётган хорижликлар ҳам паловни тезда яхши кўриб қолади. Палов, шунингдек, Туркия, Озарбойжон, Козогистон, Хиндистон, Россия, Испания каби ўнлаб мамлакатларда ҳам севимли таом ҳисобланади. Масалан, Испания пойтахти Мадрид шаҳри-

да ўзбеклар ресторани бор. Унда ўзимизнинг ошпазлар бошқа миллий таомларимиз қатори палов ҳам дамлайди.

Ўзбекнинг ўчоқда пишган оши бугун бутун дунёда севиб истеъмол қилинмоқда. Халқона ибора билан айтганда, у чин маънодаги паловхонтўрага айланди!

Моҳитобон ПЎЛАТОВА тайёрлади.



МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билин рўйхатдан
ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдиалиевич

Таҳир ҳайъати

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Умарова
Наргиза
Баҳодировна

Саҳифаловчи
Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

«О‘zbekiston belgisi»
ко‘рак nishoni sohiblari



Кудрат Аминов,
Мудофаа вазирлиги
ҳарбий қисм вズвод
командири:

— Мен учун Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафиди хизмат қилиш катта шараф. Бунга болаликдан интилганман. Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти тобора юксалмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмалар армиямизнинг жанговар қобилиятини сезиларли даражада ошириш имконини берадиган замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган.

Бугунги кунда давлатларнинг ҳарбий куч-кудрати нафақат қурол-аслаҳа, балки шу соҳада фанолият олиб бораётган мутахассисларнинг интеллектуал салоҳияти билан ҳам белгиланади. Шу боис юртимизда ҳарбий соҳада хизмат қилувчи ўшларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, иқтидорига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кун аскари шунчаки қўлига қурол-яроғ тутиб, уни моҳирлик билан ишлата оладиган, жисмонан баркамол ҳарбий хизматчигини эмас, у дунёқараши кенг, сиёсий ва ҳуқуқий билими мустаҳкам, юксак интеллектуал салоҳиятили шахс ҳамдир. Унинг мана шундай даражага етмоғи учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган.

Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, мен ҳам бор иқтидоримни ҳарбий соҳага, давлатимизнинг мудофаа қудрати янада юксалишига сафарбар қилганман. Қисқа вақт ичида капитан унвонини олдим. Ёш бўлишимга қарамай, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига муносиб топилганим ҳурматли Президентимиз, ҳукуматимиз ва халқимизнинг биз, ўшларга ишончи қанчалик юқори эканидан далолат беради. Бундан кейин ҳам мана шу меҳр ва эътибор, юксак ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиласман!



Зуққо мухлисига савол:



Дунёга донги кетган ушбу музей-қўриқхона ҳулиуда 54та қадимий меъморий обида, 40 мингга яқин нодир экспонат мавжуд. Улар юртимизнинг уч минг ишлардан узокроқ тарихидан шоҳидлик беради. У жойлашган шаҳар ЮНЕСКО-нинг «Бутун жаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

Айтинг-чи, гап қайси шаҳар ва ундаги машҳур обидалар мажмуи ҳақида кетяпти?

Жавобингизни 16 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда ёълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Шоҳруҳ Мирзо.

Тошкент шаҳридан Нуриддин Ҳолматов, Наманганд шаҳридан Мурувват Қамбаралиева тўғри жавоб йўллади.

Пафаккур үзменидан бир қатба

Яхшининг сўнгаги тупроқда чириса ҳам, номи қолади.

Махмуд Қошғарий

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар қўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюрта Г-1256.
Адади — 6187

Босиша топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.45
Ўз якуни — 21.45

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5